



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажак  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 1 июль, № 130 (5045)

Пайшанба

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлиши истисно қилганимиз ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруҳифторимиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодимиз қалбига она-юрт туپроғини кўзга тўтиб қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришида катта аҳамият касб этмоқда.

Биз юртдошимизнинг ўз истеъдод ва қобилиятини намоён этиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётганини ўтказилмаган барча тадбирларнинг маъно-мазмунига теран сингдириш;

6. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилмаган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошлар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна расомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакиллари иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

Ана шу муҳим йўналишда шаклланган аъёнларнинг узвий давом эттириган ҳолда, ўтган давр мобайнида барча соҳа ва тармоқларда кўлга киритган улкан марралар, ютуқ ва натижаларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини, кадр-қимматини теран идрок этиш, уларни эл-юртимиз ва халқро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз қалбига чуқур таассурот қолдирадиган юксак савияда ўтказиш мақсадида:

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекистон" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолни тараннум этишга қаратилган энг яхши кўшиқлар, мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совридорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улғ, энг азиз" аънавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекистон" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Нихон" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказилмаган байрам тадбирлари:

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига Мустақиллик байрамининг ўн тўққиз йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

3. Мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, хамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбаъшарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётганини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

5. Республика комиссияси

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 30 июнь



Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

## ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ САМАРАСИ

Мамлакатимиз энгил сановат тизими корхоналари авваллари фақат хом ашёни қайта ишлаш билан қиёяланган бўлса, эндиликда улар яримтайёр ва тайёр маҳсулотлари билан нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз ўрнини топиб бормоқда.

Чирчиқ шаҳридаги тўқма-чилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Betlis tekstil" корхонаси ҳам бу жараёнда ўзининг муносиб ўрни

ни топяпти. Бу ерда жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Шунга қарамай, "Betlis tekstil" ўтган қисқа вақт

ида экспортчи корхона сифатида танилиб улгурди.

Корхона ойига 130 минг дونا болалар ва аёллар кийимлари тикиш қувватига эга. Тайёрланаётган маҳсулот тўлиқ четга сотилаётгани қувончлидир. Натижада бугунга қадар 400 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Тошкентда 30 июнь кунини Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси ва Ўзбекистон Республикаси расмий органлари қўйидаги қўшма баёнотни қабул қилди:

Дэвид Оуэн иштирок этди. Мухокама чоғида жаҳон инқирози даврида қабул қилинган иқтисодий сиёсатнинг инқирозга қарши чораларига, 2009 йилнинг иқтисодий яқунлигига, 2010 йил ва ўрта муқаддати истикболларига, шунингдек, Ўзбекистон учун доллар бўлган иқтисодий сиёсат масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ларни тўплаш имконини берди. Миссия расмий органларни инқирозга қарши ўз вақтида ва самарали чоралар кўргани билан табриқлайди, расмий органларнинг инқирозга қарши дастурлари, жумладан, солиқ юқининг қамалтирилиши 2009 йилда жажон инқирозининг банк секторига таъсирини чеклаш, тўлов баланси ижобий сальдосини ва юқори ўсиш суръатларини сақлашда муҳим аҳамият касб этганини қайд этди. Жаҳон молия бозорларидан қарз олишга ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш ҳам мамлакатга глобал инқироз таъсирини юмшатиш имконини берди.

Халқаро валюта жамғармаси миссияси 2010 йилнинг 14 — 29 июнь кунлари Ўзбекистон билан IV-модда бўйича 2010 йилги масалаҳатлар доирасида мухокамалар ўтказиш учун Тошкентда бўлди. Миссияга ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ёрдამчиси Талин Корачеллани хоним раҳбарлик қилди. Иқтисодий сиёсатни мухокама қилишда ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ўринбосари

Расмий органларнинг пухта ўйланган иқтисодий сиёсати туфайли жажон иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистон барқарор мамлакат бўлиб қолмоқда. Мазкур сиёсат бюджетнинг сезиларли профицитини таъминлади ва улара бу даврда ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун катта миқдордаги ресурс-

ларни тўплаш имконини берди. Миссия расмий органларни инқирозга қарши ўз вақтида ва самарали чоралар кўргани билан табриқлайди, расмий органларнинг инқирозга қарши дастурлари, жумладан, солиқ юқининг қамалтирилиши 2009 йилда жажон инқирозининг банк секторига таъсирини чеклаш, тўлов баланси ижобий сальдосини ва юқори ўсиш суръатларини сақлашда муҳим аҳамият касб этганини қайд этди. Жаҳон молия бозорларидан қарз олишга ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш ҳам мамлакатга глобал инқироз таъсирини юмшатиш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ЎЗБЕКИСТОНДА ВАҚТИНЧА КЎЧИБ КЕЛГАНЛАРГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА

Авал хабар қилинганидек, шу йилнинг 11 — 15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида 100 мингга яқин Қирғизистон фуқароси мамлакатимизнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида вақтинчалик қабул қилиниб, жойлаштирилган эди.

Уларга Ўзбекистон ҳукумати, корхоналари, муассасалари, жамоат ташкилотлари ва аҳолиси томонидан зарур ёрдэм кўрсатилди. Чегарадош туманларда Қирғизистондан вақтинча кўчиб келганлар учун лагерлар ташкил қилинди.

Аксарият қисми хотин-қизлар, болалар ва қариёлардан иборат жабрланганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқро ташкилотлар ва бир қатор давлатлар инсонпарварлик ёрдэмни жўнатди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан Қирғизистондан вақтинча кўчиб келганларга инсонпарварлик ёрдэмни тегишли манзилларга аниқ ва тезкорлик билан етказиб бериш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Ўзбекистоннинг вақтинча кўчиб келганлар жойлашган ҳудудларига хориждан жами қиймати 3926,6 минг АҚШ долларига тенг инсонпарварлик юқи келди. Уларнинг ярмидан юқини халқро ташкилотлар томонидан тақдим этилди.

Жумладан, БМТ 1337,9 минг, Қизил ҳоч ва Қизил яримой жамияти 636 минг, ЮНИСЕФ 67 минг, Халқаро шифокорлар лигаси 64,4 минг, Чегара билмас шифокорлар 41,8 минг долларлик ёрдэм кўрсатди.

(Давоми 2-бетда).

## СИЁСИЙ ВАЗМИНЛИК МОҲИЯТИ

«Тинчлик — Оллоҳнинг буюк нозматидир, ҳаммамиз учун ҳам ҳаётимиз асоси, барча орзу-умидларимиз манбаидир. Лекин «тинчлик бўлсин», деган заминдаги сўзларни қайта-қайта тилга олар эканмиз, кўпинча унинг маъно-мазмунини нечоғли теранлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Маъно-мазмунини англамаган сўзнинг эса таъсири ҳам, қадри ҳам бўлмайди... Бундай эзгу даяватлар замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши керак».

Юртбошимиз «Тинчлик учун курашмоқ керак» рисоласида таъкидлаган ушбу фикрлар бугунги шиддатли ҳаётнинг барча жабҳаларида бирдек долзарб, муҳим ва аҳамиятлидир. Кейинги вақтда Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларида босқинчи гуруҳлар томонидан содир этилган хунрезликлар оқибатида

юзага келган қалтис-вазият ҳам бунинг аққол тасдиқлади. Барчани яна бир бор огоҳликка даяват этди. Дарвоқе, огоҳлик хусусида икки оғиз сўз. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2010 йил 9 апрель кунини матбуот-эълон қилинган баёнотида Қир-

ғизистондаги воқеалар мамлакатнинг ички иши экани алоҳида таъкидланиб, одамлар қурбон бўлиши ва талафотларга олиб келган қарама-қаршилик, Қирғизистондаги вазиётнинг янада беқарорлаштириш мамлакатда ижтимоий-иқтисодий вазиёт янада оғирлашишига сабаб бўлиши, давлат ва унинг жойлардаги тузилмалари бошқару-

вини мураккаблаштириши, қўшни давлатлар билан чегараларда муаммолар юзага келтириши мумкинлигидан хавотир билдирилган, огоҳликка даяват этилган эди. Афсуски, бу хавотирларга етарли эътибор қаратмаслик оқибатида

орадан кўп ўтмай, қўшни мамлакатда чинакам нотинчлик юзага келди. Оммавий қотиллик, талон-тороҳ каби жиноятларга қўл урилди. Тинч аҳоли, айниқса, болалар ва аёллар, ҳимоясиз одамлар қурбон бўлди.

Жамият ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни адолатли ҳал этиш ва фуқаролар тенглигини кафолатлаш каби масалаларга бармоқ орасида қараш иллати мана шундай салбий оқибатларга олиб келишини ўш ва Жалолобод воқеалари яна бир қарра тасдиқлади.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда). Ялғи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил қилди, бу дунёда энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Айни вақтда инфляциянинг ўртача ўсиши сезиларли даражада ошмади.

Инқирозга қарши чоралар дастури самараси давом этаётгани, расмий органларнинг sanoatни модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш дастури, ташқи иқтисодий конъюктурани яхшилаш туфайли 2010 йилда реал ялғи ички маҳсулотнинг янада ўсиши ва у 8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Расмий органлар ва миссия келажақда ҳам пухта ўйланган макроиқтисодий сиёсат ёрдамида инфляция босими шақлланишининг олдини олиш қисқа муددатли истиқболда асосий вазифа ҳисобланишини маъқуллади.

Миссия расмий органларнинг мамлакат аҳолиси жон бошига реал даромадини янада ошириш, ўсиб бораётган ёш ишчи кучи учун янги иш ўринларини ташкил этиш Ўзбекистоннинг ўрта муددатли истиқболдаги вазифаси экани ҳусусидаги фикрини тўла маъқуллади. Бунда расмий органларнинг sanoatни модернизация қилиш бўйича дастури Ўзбекистонда инвестицияларни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган. Кейинги тўрт йилда молия секторига жиддий ривожланишга эришилди, банклар капитални ва активларининг сезиларли даражада кўпайиши банк секторини барқарорлаштиришга ёрдам берди ва sanoatни модернизация қилиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш давлат дастурини қўллаб-қувватлаш имконини берди.

Давлат дастурининг иқтисодий афзаллиқларини тўла амалга ошириш мақсадида миссия қатор тавсиялар берди. Бу тавсиялар қатъий пул-кредит сиёсатини, янада мossaлушувчи курс сиёсатини, айниқса, валюта тизими ва солиқ маъмуриятини янада ислоҳ қилишни, молия секторини ривожлантиришни, шунингдек, маълумотлар сифати ва тарқатилишини яхшилашни давом эттиришни ўз ичига олган. Мазкур тавсиялар расмий органлар томонидан иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш ва амалга оширишда синчковлик билан қўриб чиқилди.

Миссия расмий органлар эътиборини ХВЖ Ўзбекистонга ислохотларни янада чуқурлаштиришда, жумладан, техник ёрдам кўрсатишга тайёр эканига қаратди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий органларидан яқин ҳамкорлик ва масалаларни очик ва самарали муҳокама қилгани учун миннатдордир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айтиш лозимки, Ўзбекистон, ҳусусан, мамлакат Президенти давлат чегаралари яқинида рўй берган воқеаларга ўта вазимлиқ, инсонпарварлик ва чуқур ҳамдардлик нуқтаи назардан ёндашди. Вазиятни қадим тарих тажрибаларидан, мустақил давлатчилик сабабларидан келиб чиқиб, оқилона баҳолади. Четдан турар ва давлатлараро келишмовчиликларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳар қандай уринишларга ўз вақтида муносиб жавоб қайтарди. Бу — буюк келажақ сари муносиб одимлаб бораётган Ўзбекистоннинг чин маънода минтақада барқарорликни таъминлаш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни сақлашга қаратилган саъй-ҳаракатларининг, бағрикенглик аталмиш улуғ туғйу халқимиз қалбидан нечоғли чуқур жой олганининг намоиши бўлди. Сиёсий вазминликнинг амалий ифодаси бўлди.

Яқинда Юртбошимиз Бухоро вилоятига сафари доирасида турли соҳа вакиллари билан иборат юртошларимиз билан учрашди. Шунда бухоролик тadbirkorлардан бири дунёнинг қўллаб етакчи давлатлари раҳбарларининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига оид фикрлари ҳусусида сўз очиб, Ўзбекистон Президентининг бу борадаги ёндашуви, принципиал ҳаракатларини қийий таққослаб берди. Ҳамма молиявий инқироздан омон қолиш йўлларини излаш билан банд бўлганда, Ўзбекистон Президенти томонидан бу инқирознинг таъсирини юмшатиш, оқибатларини барқарорлаштириш ва ундан кейинги юксак ривожланиш суръатларини сақлаб қолишга доир амалий уринишлар самара бераётганини ўз ҳаёти мисолида таъкидлади. Бу мулоҳазага Ислом Каримов жуда самимий ва аниқ жавоб қайтарди: "Сиз назарда тутаетган давлат раҳбарлари — сиёсатчи-

лар. Улар президентликка сиёсат орқали келган, ўз фаолиятини шу асосга қуриб, маънағе эришган. Мен эса — иқтисодчиман. Менинг қизиқишим макроиқтисодийни аниқлаш, унинг негизини, қонунларини тўғри тушуниш. Ўзбекистон шароитида макроиқтисодий ислохотларнинг натижаларини амалда юзага чиқариш, келажақ қандай бўлади деган саволга жавоб топиш масалалари умримнинг воситалари билан таъминланди. Таъкидлашим боиси шуки, бу — Ўзбекистонда инсон тақдирини, унинг манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйдиган сиёсатнинг маҳсули эди. Бу — кўпинча шундай вазиятларда жабрланганларга ёрдам ташкил этиш баҳонасида янграйдиган қуруқ овозларга берилмасдан, инсон зотиға аниқ ва амалий кўмак бера олиш салоҳиятининг ёрқин намунаси бўлди.

# СИЁСИЙ ВАЗМИНЛИК МОҲИЯТИ

мазмунига айланиб кетган", дея таъкидлади.

Ҳа, бир вақтлар таниқли сиёсий арбоблардан бири ўзининг мураккаб ҳаётий тажрибалари асосида ҳулоса чиқариб, "сиёсатчи навбатдаги сайловлар ишқиде, чинакам давлат арбоби эса келажақ авлод ташвишига яшайди", деган эди. Ҳаётга тeранроқ қаралса, бундай ҳақиқатлар бугун ҳам ўз исботини топаётганини пайқаш мушкул эмас.

Ўзбекистон чегарасига паноҳ излаб келган инсонларга, миллатидан қатъи назар, ҳар томонлама кўмак берилди, ҳусусан, замонавий шовилинч тиббий-реабилитация марказлари ташкил этилиб, тегишли ёрдам кўрсатилди, етарли даражада озиқ-овқат, маънавий шaroитлар яратилиб, санитария жиҳозлари етказиб берилди ва транспорт

Хулоса шуки, дўст оғир кунда синалади. Шундай ҳам бўлди. Аслида ўзбек ва қирғиз халқлари қадимдан бир дарёдан сув ичиб яшаган, минг бир ришталар билан ўзаро боғлиқ кетган. Тарих синovidан ўтган бундай дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини узишга қаратилган ҳар қандай уриниш натижа бермаслиги аниқ. Бироқ буни ғаразли ниъатда теграмизда изғиб юрганлар ҳам англаб етмагунча хотиржамликка берилмаслик керак.

Ф. КАРИМОВ.

# ҚИРҒИЗИСТОНДАН ВАҚТИНЧА КЎЧИБ КЕЛГАНЛАРГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қирғизистон жанубида рўй берган фожиали воқеалар натижасида жабрланганларга Россия (1280,5 минг доллар), ХХР (438 минг доллар) ва Грузия (60,9 минг доллар) ёрдам кўрсатди.

Ўзбекистонда қўшни давлатдан вақтинча кўчиб келганларга бепул тиббий ёрдам кўрсатилди. Улар барча зарур нарсалар — палаткалар, кўрпа-тўшак, кийим-кечак, озиқ-овқат ва маънавий ёрдам билан таъминланди. Вақтинчалик кўчиб келганлар жойлашган лагерларни ташкил қилиш учун қўллаб одамлар ва молия ресурслари жалб этилди.

Ўзбекистон ҳукумати жабрланганларга умумий қиймати 4034412,9 минг сўмлик инсонпарварлик ёрдами кўрсатди. Бундан ташқари, мамлакатимиз ташкилотлари ва корхоналаридан 3,1 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағлари тушиди, Ўзбекистоннинг барча аҳолиси катта ёрдам кўрсатди.

Қирғизистон Республикасининг муваққат ҳукумати вакиллари, ўш ва Жалолобод вилоятлари губернаторлари, туманлар раҳбарлари вақтинчалик кўчиб келганлар билан учрашув чоғида вақтинчалик кўчиб келганларни вазифалари ва ҳолатлари ҳақида тақсимлашни мувофиқлаштириб боради.

Қирғизистон Республикасининг муваққат ҳукумати вакиллари, ўш ва Жалолобод вилоятлари губернаторлари, туманлар раҳбарлари вақтинчалик кўчиб келганлар билан учрашув чоғида вақтинчалик кўчиб келганларни вазифалари ва ҳолатлари ҳақида тақсимлашни мувофиқлаштириб боради.

БМТнинг Қочқинлар иши бўйича Олий комиссари Антонио Гутерос:

— Биз Ўзбекистон ҳукуматининг оғир аҳволда қолган одамларга ёрдам бериш борасида кўрсатган қатъияти ва саъй-ҳаракатларини юксак қадраймиз. Фожиали воқеалардан жабрланганлар ўз ватанига қайтиш ва ҳозир уларни имкон қадар қўллаб-қувватлаш ғоят муҳимдир. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон раҳбариятига инсонпарварлик юқларининг қолган қисмини Қирғизистонга топширишни тизорлик билан ташкил қилгани ва уларни қўшни мамлакатга етказиб беришда кўрсатаётган ёрдами учун миннатдорлик изҳор этамиз.

Қирғизистонда келгусида бундай фожиали воқеалар такрорланмаслиғига ва минтақада тинчлик, барқарорлик ҳукм суришига умид қиламиз.

БМТ Жаҳон озиқ-овқат дастурининг минтақавий директори Дали БелҒасми:

— Ўзбекистон томони кўрсатган ёрдам туфайли биз бугун Қирғизистон ҳудудида 100 тонга яқин озиқ-овқатни қабул қилиб олдик. Бу ердаги одамлар озиқ-овқатга катта эҳтиёж сезаётганини биламиз ва уни тегишли манзилларга ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қиламиз.

Умуман, Ўзбекистонга келган қиймати 3926,6 минг

(Ў.А.)

# Фуқаролик жамияти ва ОАВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентлиқларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир Баркамол авлод йилга бағишланди. Унда парламент кўйи палатаси депутатлари, экспертлар, ҳуқуқшунослар ва соҳа мутахассислари, шунингдек, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидан ташриф буюрган ёш журналистлар иштирок этди.

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш бўйича аниқ ва тизимли ишлар амалга оширилди ҳамда уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган мустақам қонунчилик базаси яратилди. Ҳусусан, ОАВ фаолиятини тартибга солуви үндан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

Тadbirkor эътироф этилганидек, айни пайтда мамлакатимизда мингдан зиёд оммавий ахборот воситаси маъмуриятининг ахборот воситаси маъмуриятини қуриш, босма оммавий ахборот воситалари эркинлиги ҳамда иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган мустақам қонунчилик базаси яратилди. Ҳусусан, ОАВ фаолиятини тартибга солуви үндан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

сидан ҳам фикр алмашилди. Айниқса, журналист кадрлари тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ёш ижодкорларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шaroитларни яратиб бериш ҳамда уларнинг иқтисослашуви масалалари долзарб вазифалардан ҳисобланади.


— Журналистларнинг айнан бир соҳага ихтисослашуви уларни ёритилаётган мавзуга чуқур ёндашиб, таҳлил қилишга ўргатади, — дейди Сурхондарё вилоятининг "Халқ йўли" газетаси мухбири Нарғиза Курбонова. — Очиги, бунга пойтахтдаги бир қатор тахриратлар иш фаолиятини кузатганимизда амин бўлдик. Чунки тахриратларда ижодкорлар учун барча зарур шарт-шaroит яратилган. Бу эса уларга давлатимиз томонидан кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик намунаси.

Бундан ташқари ҳар қилган қалам аҳлининг эса ўз ишига маъсуляти билан ёндашаётгани биз, ёш ижодкорларга энг катта ўрнақдир.

Давра суҳбатида сўзга чиққан депутатлар муҳокама этилаётган масалаларга партия нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашдилар. Ҳусусан, улар мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари имкониятларини кенгайтириш ва эркинлигини таъминлаш, уларни бозор иқтисодидеги ҳамда демократик тамойиллар асосида ислох этишни кўчатириш мамлакатимиз маънафати, эркин ва озоқ ҳалқимизнинг бахти, фаровонлиги учун хизмат қилиши юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Мухокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.



# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барпо этилган Қўнғирот сода заводи йилига юз минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бу ерда тайёрланаётган кальцийланган содага ички ва ташқи бозорда талаб ниҳоятда катта. Утган йили ишлаб чиқарилган 76 минг тонна нобё саноат маҳсулотининг қарийб 31 минг тоннаси экспорт қилинган.

Бу ерда тайёрланаётган кальцийланган содага ички ва ташқи бозорда талаб ниҳоятда катта. Утган йили ишлаб чиқарилган 76 минг тонна нобё саноат маҳсулотининг қарийб 31 минг тоннаси экспорт қилинган.



# ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда). Айтиш жоизки, корхонага Туркиянинг етакчи фирмаларида ишлаб чиқарилган замонавий тикув машиналари олиб келинган, хом ашёнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан олинган, қолаверса, жамонинг бозор қондаларини чуқур ўрганган ҳолда иш юритаётганликлари маҳсулот сифатини яхшилаш баробарида, иш унумдорлигини ҳам ошираётти.

Шу кунларда мутахассислар корхона имкониятларини янада кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш юзасидан иш олиб боришмоқда.

Д. УЛУҒМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: тикувчи М. Умирова.

# ВАТАНГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ САОДАТ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ички ишлар тизимини ислоҳ қилиш, соҳада юксак малакали кадрларни тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, жамоат ҳавфсизлиги, аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашдек эҳам мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов ва бошқалар юртимиздаги осойишталикни мустақамлашда ички ишлар тизимида офицерларни тайёрлашга қаратилган чоратadbirkorлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Айтиб ўтиш жоизки, Ички ишлар вазирлиги Енгин хавфсизлиги олий техник мактабидеги ёнгининг олдини олиш ва барқарор этиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, моддий бойликларни асрашга қодир малакали мутахассис-офицерлар тайёрла-

Пойтахтимизда ёшларга мўлжалланган теледастурларни яратилган тасвирга олиш ва видеомонтажнинг замонавий услубларини жорий этишга бағишланган семинар бошланди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Ўзбекистон мада"

нияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажақ овози" Ёшлар ташаббуслари маркази, Журналистлар ижодий уюшмаси, ЕХХТнинг юртимиздаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда ҳудудий нодавлат телеканаллар, ёшлар студияларининг журналистлари, телеоператорлар, видеомонтаж усталари билан бирга франциялик соҳа мутахассислари ҳам иштирок этмоқда.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ЁШЛАР ТЕЛЕДАСТУРЛАРИНИНГ ИЛҒОР УСЛУБЛАРИ

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухалиқов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида нодавлат оммавий ахборот воситаларининг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур барча шaroитларни яратиш, кадрларнинг билим ва салоҳиятини, касб маҳоратини ошириш юзасидан кенг қўллаш ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Бешичи июлгача давом этадиган семинарда тингловчилар телевизион техника ва ахборот, янгиликларга оид материалларни тайёрлашда жаҳон тажрибаси, операторлик, телемонтажнинг ўзига хос жиҳатлари билан атрофича танишди. Семинар давомида ёш тележурналистлар "Келажақ овози" Ёшлар ташаббуслари маркази, "Янги авлод" бошқаруви ижодидеги маркази, "Uzbekistan Today" газетаси тахририятида тасвирга олиш, материаллар тайёрлаш ишларини амалга оширадлар.

Нозоқат УСМОНОВА, Ў.А. мухбири.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Нарх ошишини тахмин қилмоқда

Bank of America Merrill Lynch молия муассасаси 2011 йилда бир баррель нефтни баҳоси 100 АҚШ долларидан ошишини тахмин қилмоқда.



— Ўйлашимизча, кейинги йилнинг қайсидир даврига бориб "қора олтин"нинг бир баррели ана шу нархда сотилади, — дейди банк таҳлилчиси Франциско Бланш. — Бунга Хитой ва Хиндистонда ушбу маҳсулотга талабнинг кескин кўтарилиши сабаб бўлади.

Яъни дунё бўйича нефть истеъмоли ҳажмининг 35-40 фоиз улуши шу икки давлат ҳиссасига тўғри келиши мумкин.

Бундан ташқари, банк кейинги йил охирига бориб олтиннинг бир унцияси 1500 АҚШ долларига етишини ҳам башорат қилмоқда.

Тўфон кучайганда

Атлантика океанида пайдо бўлган "Алекс" тўфони тобора кучайиб бормоқда, дейилади "Франс Пресс" ахборот агентлиги хабарига.

Айни пайтда у Фарб томонга ҳаракат қилмоқда. Агар вазият шу зайдга давом этса, табиий офат АҚШнинг Техас штати ва Мексиканинг шимоли-шарқий ҳудудларида талафотларни келтириб чиқариши мумкин. Эслатиб ўтамиз, бир неча кун муқаддам "Алекс" дастлаб Ютукан яриморлига ғуририлган эди. Оқибатда, бу ерда камида ўн киши ҳалок бўлган. Худуддаги "BP" ва "Shell" компаниялариға тегишли нефть қазиб олиш платформаларида иш тўхтаб қолган.

Кондаги кўнгилсизлик

Ганадаги олтин конларидан бирида бахтсиз воқеа юз берди.

Бу ерда олиб борилаётган қазилмалар чоғида ер ўпирилиши туфайли ўнлаб одамлар тупроқ остида қолиб кетган. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, фоҳиа рўй берган вақтда конда 140 нафар ишчи бўлган. Улардан 70 нафари-нинг жасади топилган.

— Бахтсиз ҳодиса Оффин дарёсидан сув сизиши оқибатида юз берган, — дейди кўнраувилардан бири. — Бу жараён ҳамон кузатилаётганини ҳисобга олсак, конда қолганларнинг тириклигиға ишончи қийин.

Энг қиммат шаҳар

Ангола пойтахти Луанда хориздан келувчилар учун дунёдаги энг қиммат шаҳар сифатида эътироф этилди.

Жаҳоннинг 214 шаҳрида олиб борилган кузатишлар якунида шундай ҳулосаға келинди. Буни аниқлашда тураржой, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари ва транспорт хизмати нархи каби 200 дан ортиқ

кўрсаткичларға эътибор қаратилган. Шунингдек, юқори бешликдан Токио (Япония), Нджамена (Чад), Москва (Россия) ва Женева (Швейцария) шаҳарлари жой олган.

Оқ фил яхшилиқ аломатими?

Мьянмада филларнинг камдан-кам учрайдиган — оқ белгилари бор тури ушланди, дея ёздаи "New Light of Myanmar" нашри.

Уни Ракин штатидаги Маунгдо аҳоли яшаш жойи яқинидан тутиб олишган. Мухтасссларнинг фикрича, бу мамлакат ҳудудида дуч келинган туртинчи оқ фил бўлиб, унинг ёши 38 да экан. Маҳаллий аҳоли бундай жониворнинг учраши яхшилиқ аломати, дея ҳисобламоқда.

Кези келганда айтиб ўтамиз, Мьянма, Таиланд ва Лаос каби мамлакатларда бу каби жониворларға бошқача эътибор қаратиллади. Хусусан, Таиландда барча оқ филлар қирол оиласиға тўхға қилинади ва улар махсус жойларда сақланади.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Мамлакатимиз мустақиллигини белгилаб берадиган рамзлардан бири, бу — миллий валютамиз сўмдир. У Президентимиз Ислам Каримовнинг 1994 йил 16 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалаға киритиш тўғрисида"ги Фармониға мувофиқ, 1994 йилнинг 1 июлида муомалаға киритилди.

Жаҳонда юзлаб пул бирликлари мажмуида Азлаб биз учун барибир ўзимизнинг сўмининг қадрини банд, тафти бўлақча. Таъбир жоиз бўлса, у ҳар бир юртдошимизға гурур ва ифтихор бағишлайди. Сўминимизни қўлга олиш эканми, унга туширилган Самарқанддаги Регистон майдони, Гўри Амир мақбараси, Бухородаги Чашмаи Айбоб ансамбли сингари тарихий обидалар, Тошкентдаги Темирўйлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри, "Истиқлол" санъат саройи, соҳибқирон бобомиз Амир Темуриға ўрнатилган ҳайкал тасвириға боқиб, ич-ичимиздан фахрланамиз, маънавий қувват оламиз. Не-чун қувонмайлик, ахир бу ўзимизнинг пулимиз, Ўзбекистон сўми! Сир эмас, қатъий пул-кредит

сиёсатининг юритилиши иқтисодий мустақилликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисоб-

Бугун — Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўм муомалаға киритилган кун

ланади. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида оқилонла ислохотлар олиб борилаётгани, хусусан, пухта ўйланган пул-кредит сиёсати туфайли пулимиз барқарор валюталардан бириға айланиб бораёпти. У мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги, турмушимиз фаровонлигиға хизмат қилаёттир.

Халқроқ экспертларнинг ҳулосаларига кўра, жаҳонда кузатилаётган глобал мажбурий-иқтисодий инқироз иқтисодиётимизға айтарли даражада таъсир қўрсамади. Дунёнинг кўплаб давлатлари пул-

кредит соҳасида катта йўқотишларни бошдан кечирган 2009 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, маҳсулотлар экспорти 2,4 фоизға ўсгани бунинг исботидир. Натихада ташқи савдонинг ижобий салдыси сезиларли даражада ошиб, мамлакатимиз олтинвалюта захирасининг барқарор ўсиши таъминланди.

Таҳлилчилар эришилаётган бугунги ютуқларни иқтисодиётни ривожлантириш ва ислоҳ қилишнинг беш тамойилға асосланган "Ўзбек модели"нинг юқори самарадорлиги билан изоҳлашмоқда. Чиндан ҳам, юртимизда ислохотларнинг изчиллиги таъминланди, босқичма-босқич амалға оширилаётгани туфайли бошқа соҳалар қатори, банк-молия тизимида етарли ресурс базаси ва ишончли захира яратилди. Бинобарин, сўнгги икки йилда юртимизда фалоят юритаётган тижорат банкларининг умум-

ий капитали 2 баробар кўпайиб, банклар капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошди. Шу ўринда айтиш жоизки, бу кўрсаткич банклар мониторинги билан шугулланадиган халқроқ Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқроқ стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир. Бундан ташқари, банкларимизнинг умумий жорий ликвидлиги ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўп эканлиги танланган тараққиёт йўлимиға нақадар тўғри ва мустаҳкам эканлигидан далолат бераёттир.

Энг муҳим мезон ички бозорда истеъмол моллари билан нақд пулнинг мутаносиблигини таъминлашдир. Юртимизда миллий валюта ни мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган қатор дастурлар ижроси бунга эришиш имкониини берди. Бугунги кунда сўмининг харид нархи тобора ошиб бораётгани бунинг исботидир. Қадринг доим юксалаверсин, миллий валютамиз — Ўзбекистон сўми! Р. САИДОВ.

Ярмарка

Наманган шаҳрида ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида вилоят марказидаги 57 та корхона, ташкилот ва муассаса ўзларидаги мавжуд бўлиш иш ўринлари билан иштирок этди.

Иш жойларига йўлланма

Шаҳар ҳокимлиги, Бандликка қўмаклашувчи маркази, прокуратура ҳамда "Камолот" ЁИҲ томонидан уюштирилган мазкур тадбирда шаҳарнинг 77 та маҳалласидан ташриф буюрган 315 нафар фуқаро қатнашди. Пировардида 85 кишиға ишға жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, ярмарка давомида 200 дан ортиқ фуқароға меҳнат қонунчилигиға доир тавсия ва тушунчалар берилди.

К. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ КЎМИТАСИ

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг вилоят филиаллари

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоси таклиф этади!

I. РКМБ марказий идорасининг аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалиқ судининг 2010 йил 4 июндаги 10-0714(20)/14225-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган куйидаги мол-мулклар куйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси (собиқ Мусахонов), 2-уйда жойлашган, «BARSANT1 MACCHINE» русумли мрамар кесиш ва унга қайта ишлов бериш учун мулкжалланган дастгоҳ-ускуналар тўплами. Бошланғич баҳоси — 7 231 114 300 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси (собиқ Мусахонов), 2-уйда жойлашган, умумий ер майдони 11088 кв.м., фойдаланиш майдони 6274 кв.м. бўлган 1 қаватли бино. Бошланғич баҳоси — 2 768 053 000 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Тараққиёт кўчаси (собиқ Мусахонов), 2-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3132 кв.м., фойдаланиш майдони 1543 кв.м. бўлган 1 қаватли бино. Бошланғич баҳоси — 738 034 000 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бешбўғоч мавзеси, 4-уйда жойлашган, умумий ер майдони 790 кв.м., фойдаланиш майдони 783 кв.м. бўлган 9 қаватли бинонинг 1-қават қисми. Бошланғич баҳоси — 928 792 000 сўм.

Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-036-10-ижро ҳужжатиға асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд дарвоза кўчаси, 9-уйда жойлашган, «Равсел» русумли фирмасиға тегишли бино куйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 111 542 039 сўм.

Ангрэн шаҳар СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалиқ судининг 2010 йил 18 мартдаги 11-1027/1832-ижро ҳужжатиға асосан хатланган, Ангрэн шаҳри, Янгиобод кўргони, Промзона ҳудудида жойлашган, «Омад» МЧЖға тегишли тошни қайта ишлаб чиқариш цехи куйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 455 560 700 сўм.

Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда:

1. ФИБ Ўрта Чирчиқ тумани судининг 2009 йил 15 декабрдаги 1418-ижро ҳужжатиға асосан хатланган, Ўрта Чирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳри, Э. Ҳакимов кўчасида жойлашган, 24-сонли яқка тартибдаги уй-жой куйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 70 000 000 сўм.

2. ФИБ Ўрта Чирчиқ тумани судининг 2009 йил 16 ноябрдаги 2271-ижро ҳужжатиға асосан хатланган, Ўрта Чирчиқ тумани, «Қумовул» ҚФЙ, 9-бригада ҳудудида жойлашган, бир қаватли 11 та хизмат хонаси, 3 та кириш хонасидан иборат маҳалла гузары куйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 96 985 954 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 3 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатиға! Юқоридаги мол-мулклар 2010 йил 3 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мол-мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йил 24 август кунини бўлиб ўтади. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефони ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишнингиз мумкин.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам

бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг «Ипак йўли» банки ОАИҚБ «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамиға тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзил: Тошкент ш., Собир Раҳимов тумани, М. Ўразбоев к., 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52.

II. РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг аукцион савдосига Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан куйидаги мулклар такроран куйилмоқда:

— ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варағиға асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган Асфалт заводи. Бошланғич баҳоси — 97 785 000 сўм.

— ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро варағиға асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Махмуд Қошғарий кўчаси, 82-уйда жойлашган, қурилиш майдони 689,65 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган савдо мажмуаси. Бошланғич баҳоси — 401 448 960 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 16 июль соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатиға! 2010 йил 16 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 3 август кунини бўлиб ўтади. Аукцион савдолари юзасидан барча маълумотларни (8-366) 233-80-56 телефони ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишнингиз мумкин.

Шунингдек, аукцион савдосига Пастдарғом тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Самарқанд вилояти хўжалиқ судининг 2010 йил 22 февралдаги 14-0903/17704(11)-сонли ижро варағиға асосан хатланган, Пастдарғом тумани, «Димшиқибла» ҚФЙ, Балхиён маҳалласида жойлашган, умумий майдони 36343,0 кв.м., фойдали майдони 6690,55 кв.м., қурилиш майдони 6051,44 кв.м. бўлган «Балхиён-Транс» МЧЖнинг бино ва иншоотлари мулкий мажмуа сифатида куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 558 950 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 3 август соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатиға! Ушбу мулкий мажмуа 2010 йил 3 августдаги аукцион савдосида сотилмаган ҳолда тақдирда унинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 20 август кунини бўлиб ўтади. Аукцион савдолари юзасидан барча маълумотларни (8-366) 233-80-56 телефони ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишнингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамиға тўлашлари шарт: 20210000600571452072, МФО: 00223, СТИР: 200933850.

Манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй, 4-қават. Тел.: (8-369) 226-54-47, 226-27-01.

Юқорида кўрсатилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойиға чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосиға бир кун қолганда тўхтатилади.

WWW.RKMB.UZ

Лицензия: DB 001 № 000004.

Advertisement for «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» КК (Toshkent Pipe Plant) featuring various pipe products like «СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР» and «ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР» with technical specifications and contact information.

Advertisement for «ЎЗБЕКНЕФТАЗ» Миллий холдинг компанияси (Uzbeknefteaz National Holding Company) offering gas-chemical products, including «ШҮРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ» (Shurtan Gas-Chemical Complex) with details on auctions and contact info.

Advertisement for real estate services, including «Ипотека при поддержке банка Асака» (Mortgage with Asaka Bank support) and «Продаются КВАРТИРЫ» (Apartments for sale) with contact details.

Advertisement for «Ўзбекистон темир йўллари» (UZTEK) and «Ўзбекистон темир йўллари» (UZTEK) services, including «Ўзбекистон темир йўллари» (UZTEK) and «Ўзбекистон темир йўллари» (UZTEK) with contact information.

Спорт • Sport • Спорт

# БАДИЙ ГИМНАСТИКА МАРКАЗИ ИШГА ТУШДИ

**Соғлом авлод — соғлом келажак. Бугун ана шу пурмаъно ҳикмат мағзини чақиб, спорт билан дўстлашган ёшларимиз сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу Президентимиз раҳнамолигида эртагина эгаларини ҳар жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказиш йўлида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.**



Кувонарли жиҳати шундаки, ёшларни спортга кенг жалб этиш, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш бериш ишлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, Фаргона вилоятида ҳам ана шу савий-ҳаракатлар натижасида спорт билан шуғулланаётган болалар, айниқса, қизлар сони йилдан-йилга ортиб бораётди. Биргина Фаргона шаҳрида бугунги кунда 5 — 18 ёшга бўлган қизларнинг 4256 нафари спортга ошно тутинишган. Жойларда барпо этилиб, фойдаланишга топширилаётган бири-биридан кўрам спорт мажмуалари, сузиш ҳавзалари,

заллар бунда муҳим аҳамият касб этаётганидан яхши хабардорсиз. Яқинда вилоят марказида яна бир янги замонавий иншоот — бадий гимнастика маркази ишга туширилди. Бу ерда қизлар ўртасида ушбу спорт турини оммалаштириш учун барча имкониятлар мавжуд. Кенг ва ёруғ зал, энг сўнгги спорт жиҳозлари ёшлар ихтиёрида. Янги қиёфадаги ушбу баркамоллик марказидан бўлажак назокат ва нафосат малакалари — чемпионлар етишиб чиқиши, шубҳасиз.

**С. МАХСУМОВ.**  
**СУРАТДА:** спорт мактабининг бадий гимнастикачиси Муҳаррам Сирокова.  
**М. ҚОДИРОВ (ЎЗА)** олган сурат.

## Яхши хабарлар

**Самарқанд шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли мусиқа ва драма театрида "Ҳамшира — 2010" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.**

## Ҳамширалар танлови

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Камолот" ёшлар ихтимойи ҳаракати ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан вакиллар қатнашди.

Иштирокчилар бешта йўналиш бўйича ўз билим ва иқтидорларини намойиш этишди. Яқинда Самарқанд вилояти Силга қарши кураш диспансери ҳамшираси Моҳичеҳра Нуриддинова голиб, деб топилди. Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳамшираси Розия Усмоновага иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Каншод Мамбедуллаевага учинчи ўрин насиб этди.

**А. САТТОРОВ,**  
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҲАШАР НАТИЖАСИ: ЁШЛАР ХИЁБОНИ

Баркамол авлод йили муносабати билан Шовот тумани марказида "Ёшлар хиёбони" барпо этилди. Эътиборлиси, ушбу маскан ҳашар йўли билан яратилиб, ҳомийлар томонидан 400 мил-

**О. ЖУМАНИЕЗОВ.**



**Мусиқа ва санъат инсон руҳиятини тетиклаштиради, унга яхши кайфият улашади, ишига унум бағишлайди. Шунинг учун ҳам қалбимиз доим санъатга ошурта ва муштоқдир. Мусиқани севган инсоннинг муомаласи ҳам гўзал бўлади. Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида мусиқа ва санъат ривожига кенг имкониятлар яратиб берилаяпти. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борада амалга оширилаётган улкан ишлар учун дастуриламал бўлмоқда.**

# МУСИҚА ФАРЗАНДНИ БАРКАМОЛЛИККА УНДАЙДИ

Шу асосда республикада бугунги кунда мавжуд 303 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, В. Успенский ҳамда Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган академик лицейлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфида ўтказилди.

Кувонарлиси, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида мусиқа ва санъат мактабларида тасвирий ҳамда амалий санъат йўналишларини киритиш орқали 230 дан зиёд янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Яқинда санъат йўналишидаги мактабларда машгулотлар ўтказиш учун зарур бўлган жиҳозлар кўргазмаси ташкил этилди. Жойларда 46 та мусиқа чолғуларини таъмирлаш устaxonаси очилди. Мактаблар учун мўлжалланган ўқув-қўлланмалар, нота-лар, плакат ва DVD дисклар яратиш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

Тўққиз номдаги ўзбек ва хорижий бастакорларнинг нота тўпламлари яратилди. 2009 йил Давлат дастурига киритилган 6 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари 22 номдаги хорижий нота ҳамда ўқув қўлланмалар билан таъминланди, 8 йўна-

лишдаги ўқув дастурлари такомиллаштирилиб, амалиётга киритилди.

Соҳа тараққиётида малакали ўқитувчи-педагогларнинг ўрни бекиёс. Шу маънода, 2009 йилда 450 нафар ўқитувчи ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари раҳбарлари учун курслар ўтказилди. Айниқса, Ўзбе-

## Қарор ва ижро

кистон давлат консерваторияси профессор-ўқитувчилари ва хорижий мутахассислар иштирокида "Устоз сабоқлари" ижодий мактабининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Утган йили В. Успенский номидаги лицейда профессор О. Юсупова, америкалик профессор М. Истомин, германиялик мутахассис И. Аҳмедова иштирокида учрашув ва дарслар ўтказилиши соҳа мутахассисларига тажриба алмашиш, ўқувчилар учун эса ибрат мактаби бўлди.

Хўш, санъат ва мусиқа

мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлида бундай бекиёс эътибор ва ғамхўрликка ёшларимиз қандай жавоб қайтаришмоқда?

Авалло, фарзандларимиз Ватан, юрт туйғусини янада чуқурроқ англашлари ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови ҳамда "Болалик баҳори" ижодий жамоалар республика фестивали мунтазам ташкил этиб келинаётганини эътироф этмоқ лозим. Аънавий хонандлик, аънавийи созандалик, рақс санъати, эстрада хонандлиги, ўзбек халқ чолғулари йўналишлари бўйича ташкиллаштирилаётган бу каби тадбирлар ёш истеъдод эгаларининг халқроқ миқёсда ҳам катта муваффақиятга эришишлари учун пойдевор бўлмоқда.

Кувонарлиси, юқори кўрсаткичлар йилдан-йилга кўпайиб бораёпти. Масалан, 2007 йили 18 нафар, 2008 йилда 37 нафар, 2009 йилда 41 нафар ёш

истеъдод эгаси Франция, Италия, Руминия, Россия, Англия, Қозғоғистон, Япония, Германия, Австрия, Озарбойжон, Украина каби мамлакатларда бўлиб ўтган нуфузли халқаро танловларда иштирок этиб, голиб ва совриндорлар қаторидан жой олиб қайтдилар. Жорий йилда ҳам ушбу аънава давом эттирилмоқда. Биргина Р. Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари кўрсаткичларини олиб кўрайлик. Ҳозиргача Зебо Собитова Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган А. Глазунов номидаги VI камонли-торли чолғулар бўйича халқаро танловда скрипка чалиш бобида ўзбек ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб, 1-ўринни эгаллади. Дилноза Тўраева фортепьяно бўйича Италиянинг Барлетта шаҳрида ташкил этилган "Citta di Barletta" XX Халқаро пианиночилар мутахассислиги бўйича танловда ва Малика Анорматова шу кўриқда виолончель бўйича фахрли иккинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Умуман олганда, юртимизда мусиқа, санъат, маданият соҳасида ҳар бир ёш ўғил-қизга ўз қобилиятини намойиш қилиш учун имкониятлар бисёр. Яратилган шароитлардан унумли ва самарали фойдаланган ҳолда, фарзандларимизнинг тўғри йўлдан боришини таъминлаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Тозагул МАРДИЕВА,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Халқ таълими вазирлиги**  
**Мусиқа ва санъат таълими**  
**муассасалари**  
**бошқармаси етакчи мутахассиси.**

**Дастур доирасида ушбу санъат даргоҳларидан 136 тасини янгидан қуриш ва 142 тасини капитал реконструкция қилиш режалаштирилган эди. 2009 йилнинг ўзида 6 та болалар мусиқа ва санъат мактаби капитал реконструкция қилиниб, жиҳозланди. Улар 58 нафар ёш педагог-кадр билан таъминланди.**

Бугунги кунда республикада миздаги болалар мусиқа ва санъат мактабиди 40 мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олмақда. Улар халқ чолғулари, аънавий чолғу ижрочилиги, аънавий хонандлик, фортепьяно, торли чолғулар, хореография, эстрада, чолғу ижрочилиги, эстрада хонандлиги каби йўналишлар бўйича таълим олмақдалар.

**Мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган ёшлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу юртимизда ёш авлоднинг етук бўлиб камол топиши учун берилаётган катта эътибор самарасидир.**

## НАВБАТДАГИ МАРРА — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

Бугун бошқа спорт турлари қатори футбол ҳам оммавийлашиб, ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Хусусан, барча вилоятларимизда футболни ривожлантириш учун пухта моддий-техник база мавжуд. Қишлоғу шаҳарларимиз кўрқига кўрк кўшаётган спорт мажмуалари, ёпиқ заллариди ушбу спорт тури билан шуғулланиш имконияти яратилган.

Мана шундай ажойиб қўлайликлар туйфайли миллий чемпионатимиз савияси ҳам ошди, ундаги соғлом рақобат кучайди. Кўплаб ёш иқтидор эгалари кашф этилди. Яна бир эътиборли томони, қизлар спортиди ҳам футбол мустаҳкам ўринга эга бўлиб бораёпти.

Замонавий шароитлар эса миллий терма жамоалар, клубларнинг қўлға, жаҳон миқёсиди мусобақалар, турнирларда юқори натижалар қайд этишига замин яратмоқда. Қисқа вақт ичида термаимиз дунёдаги энг кучли жамоалар қаторидан жой олгани шундан далolat беради. Қолаверса, пойтахтимиз иккинчи мартаба футбол бўйича Осиё чемпионатида мезбонлик қилгани бу борадаги халқаро эътироф намунаси, дейиш мумкин.

Навбатдаги қўлға биринчилиги катта муваффақият билан ташкил этилганини меҳмон футболчилар ҳам бир неча бор эътироф этишди. Эрон термаси посбони, 2009 йилда "Жаҳон-

нинг энг яхши дарвозабони" бўлган ҳамкасбим Мустафо Назарий билан гаплашганимда, "Ўзбекистондек бетакор юрда, унинг сўлим пойтахтида иккинчи бор ташкил этилган қўлға чемпионатида қатнашганимдан жуда бахтиёрман. Гарчи, мезбонларга рақиб бўлсак-да, муҳлислар бизга катта ҳурматда бўлишди. Бундай самимий эътиром мен учун галабадан ҳам кўра катта аҳамиятга эга. Юртингизда футболнинг жадал тараққиёт толаётганига эса фақатгина ҳавас қилиш мумкин. Бундай юртга қайта-қайта ташриф буюргинг келаверади", деб айтгани ҳам бежизга эмас.

Ўзбекистон терма жамоаси ҳам мусобақада муносиб иштирок этди, деб бемалол айта оламан. Кумуш медални қўлга киритишимизда халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳал қилувчи роль ўйнади. Ҳисобда орда бораётган пайтимизда ишқибозлар бизга далда бўлдилар. Бу эса, айниқса, муҳим босқичларда Хитой ва Австралия устидан галабага эришишимизда, финалда Эронга муносиб қаршилик кўрсатишимизда катта ёрдам берди.

Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардим. Бу каби йирик мусобақалар кўплаб ёшларимиз қалбиди ушбу спорт турига меҳр уйғотган бўлса, ажаб эмас. Професионал футболчи сифатида бундан бахтиёрман.

**Навбатдаги мақсадимиз — келгуси йилда ўтказиладиган қўлға биринчилигида натижаларимизни янада яхшилаш ва жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритишдан иборат.**

**Рустам УМАРОВ,**  
**Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, Осиё вице-чемпиони.**

## Халқ сўзи Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

## ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

манфаатли

**«Соврин плюс капитал» ютуқли омонатини тақлиф этади.**

Омонатга маблағлар 1 йил муддатта йиллик 14% миқдориди даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Шунингдек, омонат бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра, омонатчилар 2000 дан ортиқ пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишлари мумкин.

Ютуқлар тиражлари жорий йилнинг май ойидан бошлаб ҳар 2 ойда ўтказилади.

**ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИАТ!**

**ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Кўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

## Халқ сўзи Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 40468 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғасев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

©—Тижорат материалли

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.10 Топширилди — 22.50 123 5